



ВАЛЕНТЛИК НАЗАРИЯСИ ВА ЛЕКСИК ДЕРИВАЦИЯ МУНОСАБАТИГА ДОИР

А.С. Раҳимов
(СамДЧТИ доценти)

Валентлик тушунчасининг тилшуносликка кириб келиши С. Д. Кацнелсон номи билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг тилшуносликда оммалашувида Л.Теньернинг хизматлари беқиёсдир (ЛЭС.1990:79). У гапнинг динамик маркази сифатида феълга эътибор қаратгани боис, валентлик назариясининг кейинги ривожини ушбу сўз туркуми билан боғлиқ ҳолда амалга оширади (Теньер Л. 1988:250).

Валентлик назариясининг кейинги талқинларида уни «соф синтактик тушунча эмас, балки симантик-грамматик тушунча» сифатида талқин этиш лозимлиги эътироф этила бошланади. Хусусан, И.А.Мельчук семантик ва синтактик валентликларни фарқлагани ҳолда, «Семантик валентлик сўздаги маъно компонентлар миқдори асосида белгиланадиган валентлик бўлиб, бундай валентлик сўзнинг лексикографик тавсифида муҳим аҳамият касб этади. Синтактик валентлик эса бевосита матн тузиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқадиган валентликдир» деган ғояни илгари суради (Мельчук И.А. 1974.:134-135).

И. Қўчқортоев валентликни лексик-семантик ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш лозим деб ҳисоблайди. Зотан, «Нутқда сўзларнинг бир-бири билан бирикишини грамматик қоидаларнинг ўзи билангина изоҳлаш мумкин эмас. Масалан, катта тош, кичик тош, ишчан тош, ялқов тош каби сўзларнинг грамматик бирикувида ҳеч қандай хато йўқ. Чунки грамматик қоида талабига кўра атрибутивли бирикмаларнинг биринчи элементи сифат, иккинчиси от бўлиши лозим. Шунга қарамай, бирикмалардан иккитаси (катта тош, кичик тош) тўғри, кейинги иккитаси эса (ишчан тош, ялқов тош) нотўғридир. Демак, тил бирикларининг нутқ жараёнида бирикиб келишида шундай нуқталар борки, улар тил структурасининг нограмматик факторлари асосида юзага келади. Тилдаги ана шундай нограмматик факторлар сўз валентлиги асосида ўз аксини топади. Сўз валентлиги эса лексик-семантик ҳодиса бўлиб, маълум бир луғавий бирикнинг нутқда бошқа бир бириклар билан бирлашиш қоидаларини тақозо этади» (Қўчқортоев И. 1977: 34-35).

М.Миртожиев томонидан олиб борилган изланишларда семантик валентлик актантларнинг моҳияти билан боғлиқ ҳолда, «воситали семантик валентлик» ва «шакл семантикаси валентлиги» ва уларнинг ички гуруҳлари фарқланади (Миртожиев.М. .2007). Шунингдек мазкур олим томонидан ёрдамчи сўзлар ҳам ўзига хос валентликка эга бўлиши қайд этилади (Миртожиев.М. 2010.№3:19-21).



Ю. С. Степановнинг ёзишича, сўз ясашиш жараёнида асос ва формантларнинг ўзаро боғланиши «ички валентлик»ка асосланади. Ички валентлик эса маълум бир сўз (ўзак)нинг ясовчиларни сайлаб қабул қилиши асосида намоён бўлади. Ўз навбатида, «Ясовчиларнинг ўзакка сайлаб қўшилиши сўзнинг маъносига, адабий нормага ва экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлади» (Кўчқортюев И. 1977:36).

Сўз ясовчи формантларга хос минимал маъно ва унинг валентликка муносабати Р.З.Мурясковнинг изланишларида ҳам муҳокама қилинган. Унда эътироф этилишича, сўз ясовчи формантлар ҳам ўзига хос маънга эга ва у бевосита англаш даражасидаги луғавий маъно эмас, балки минимал маънодир. Аффиксларга хос ана шу минимал маъно уларни валентлик асосида маълум бир гуруҳга мансуб асослар билан боғланишини таъминлайди (Мурясков Р.З. №5.1976:126-137).

Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги -чи аффиксига хос минимал маъно асосида у от, сифат, сон, олмош ва ҳаракат номи сўзлар билан бириккани ҳолда, «бирор касб-ҳунар, вазифани бажарувчи шахс» маъноси ҳосил қилинади. Формантларга хос минимал маъно бир компонентли бўлиб, айнан ана шу маъно ёрдамида асосдаги семантик компонентларидан қай бири рўёбга чиқиши белгиланади. Масалан, -чи фармантга хос минимал маъно замирида «шахс» тушунчаси ётди ва ана шу минимал маъно деривацион асосдаги субъектнинг реал ифода топишини таъминлайди.

Бошқача қилиб айтганда, бу деривацион жараёнда субъект талабига кўра -чи оператори билан ички валентлик асосида бирикиш орқали «асосдан англашилган нарсга ижроси билан шуғулланадиган шахс» ҳукмининг комприссив ифодалари карнайчи, сурнайчи, ногорачи, доирачи, дуторчи, пиониначи каби ясама сўзлар орқали рўёбга чиқади.

Худди шундай деривацион жараёни -ла форманти воситасида ясаладиган сўзлар мисолида ҳам кузатиш мумкин: рандала, аррала, тешала, эговла каби дериватлар структурасидаги -ла форманти замирида ётадиган минимал маъно, моҳиятан «бажар, амалга ошир» предикатига тенгдир. Бунинг ўзига хос далилини ушбу операторнинг аналитик муқобили бўлган «қилмоқ»нинг иштироки мисолида ҳам кўриш мумкин: ранда қилмоқ - рандаламоқ. Мазкур дериватларни ҳосил бўлишида операнд орқали ўз ифодасини топган объектнинг ҳаракатга келишида субъект иштироки зарурат ҳисобланади. Ушбу заруратни рўёбга чиқарувчи восита сифатида эса -ла оператори хизмат қилади.

Келтирилган дериватлар замирида ўз ифодасини топадиган ботиний ҳукми умумий ва хусусий асосли эканига ҳам ишора қилади. Умумий асос деривацияни муайян аналогик тип орқали ясалган дериватлар парадигмасига хос қоидаларга асосланишидан дарак берса, хусусий асос ушбу деривацион қоидадан конкрет ифодаси орқали кўзга ташланади. Масалан, рандала, аррала,



тешала, эговла каби дериватлар парадигмаси учун умумий бўлган ҳукм: «Х дан англашилган нарса воситасида мақсадли ҳаракат бажариш» бўлса, унинг хусусий ифодалари ушбу ҳаракатни ранда, арра, теша, эгов кабилар воситасида бажарилишини кўрсатади. Дериватларга хос хусусий ҳукм уларнинг карнайчи - «карнай ижорси билан профессионал даражада шуғулланувчи шахс», ранда(моқ) - «ёғоч ва тахталарни ранда ёрдамида силлиқламоқ» каби лексикографик изоҳи орқали рўёбга чиқади.

Ю.Д.Апресян муайян бир семантик вазият ифодасида «табiiй тил» ва «семантик тил» муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлишини қайд этади. Хусусан, инсон бирор кишидан олган хабарини иккинчи бир кишига етказишда сўзма-сўз эмас, балки ўз сўзлари билан баён қилиши орқали «табiiй тил»дан «семантик тил»га ўтказиш кузатилса, маънони узатиш жараёнида «семантик тил»дан «табiiй тил»га кўчиришга таянилади (Апресян Ю.Д. 1966:253).

Демак, юқорида таҳлил қилинган лексик дериватлар замирида ётадиган ички ҳукм семантик тилга даҳлдор бўлса, мазкур ички ҳукмнинг табiiй тилдаги муқобили лексик дериватдир. Бундай мураккаб лингвокогнитив жараённинг узлуксиз содир бўлишида эса лисоний бирликлар структурасида мужассамаланган валетлик номинатив мақсадни қай тарзда рўёбга чиқариш мумкинлигига ишора қилувчи доимий “кўрсаткич” вазифасини бажаради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Лингвистический энциклопидический словарь. –М.,1990.
2. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. –М., 1988.
3. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т.1977.
4. Мельчук И.А.Опыт теории лингвистических моделей «смысл-текст». – М.1974.
5. Миртожиев.М. Ўзбек тилида феъл валентликлари. –Т.2007.
6. Миртожиев.М.Ёрдамчи сўзлар валентлиги. Ўзбек тили ва адабиёти. 2010.№3.19-21-бетлар.
7. Мурясов Р.З. О словообраз. знач. и семант. модел.части речи. Вопросы языкознание. №5.1976.
8. Апресян Ю.Д. Идеи и методы структурной лингвистике. –М.,1966.